



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 14 январь, № 9 (3808)

Шанба

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Куролли Кучларимиз фахрийлари!

Кадрли ватандошлар!
Барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Куролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва оқсоқилликни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа — Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар эса давлатимиз ва жамиятимизда ҳамisha юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қолажак.

Биз ўтган давр мобайнида миллий Куролли Кучларимизни шакллантириш, стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни бундан қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва ҳужумларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни барпо этиш йўлида қўл ишларни амалга оширдик.

Бизнинг Куролли Кучларни қайта ташкил қилиш ва ислох этиш бўйича қабул қилган Давлат дастуриимиз Марказий Осиё минтақасидаги шиддат билан ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ҳар томонлама чуқур таҳлилига, ҳудудимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва реал хатарларни ҳисобга олишга, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини кучайтиришга қаратилган, пухта ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган чора-тадбирларни амалга оширишга асосланган.

Бугунги кунда Куролли Кучларнинг жанговар қобилиятини ошириш, армиянинг ташкилий тузилишини тубдан ислох қилиш ва мустаҳкамлаш, барча қўшин турлари, ҳудудий округлар, қисм ва бўлинмаларнинг ҳатти-ҳаракатларини яхлит тузилма сифатида уйғунлаштириш мақсадида иш олиб борилмоқда.

Армиямизни шартнома-контракт негизда профессионал асосга ўтказиш жараёни деярли нўхотасига етмоқда. Ҳарбий ўқув юртли ва сержантлар тайёрлаш мактабларини модернизация қилиш, уларнинг моддий-техник ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, замонавий компьютер техникаси, коммуникация ва ахборот технологиялари ҳамда таълим воситалари билан жиҳозлаш бўйича катта иш қилинмоқда. Буларнинг барчаси ҳар қандай вазиятда ҳам ташаббускор ва самарали қарорлар қабул қилишга қодир бўлган командир ва сержантларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда жорий этилган сафарбарлик-чақуриш резерв ҳизмати тизими ўзини тўлиқ оқламоқда. Унинг сафларида ёшларимиз бошланғич ҳарбий тайёргарликни эгаллаш ва чиниқш мактабини ўтамоқда, ўзининг эл-юрт учун кераклигини яна бир бор ҳис этмоқда.

Ҳарбий ҳизматчилар ва уларнинг оилалари учун бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шaroитларни яратиш, ҳарбий шахарчаларни ободонлаштириш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда.

Ҳарбий ҳизматчилар, жумладан, муддатли ҳарбий ҳизматни ўтаётган аскарларнинг моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, 2005 йилда уларнинг оилалик машаллари ўртача 35 фоизга оширилди, ҳарбийларни резервга бўшашида тулланадиган туловлар ҳажми эса икки марта кўпайтирилди, ҳарбий мутахассисларнинг касб маҳоратини оширишни рағбатлантиришга қаратилган қўшимча пул маблағлари ва бошқа тўлов турлари белгиланди.

Бу масалаларни ечиш учун зарур молиявий маблағлар излаб топилмоқда, жумладан, қўшинларни модернизация қилиш жараёнида тежалган маблағлар ҳам шу мақсадларга йўналтирилмоқда.

Биз бугун катта гуруҳ ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Куролли Кучлари сафларида ҳизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тоблиниб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Эзу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўётган минглаб ёшлар учун армия сафларида ҳизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шун жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажакнинг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда.

Азиз ватандошларим!
Бугун барчамиз қандай мураккаб замонда яшаётганимизни, ўйлайманки, яхши тушунамиз. Халқаро террорчилик, экстремизм, тобора кўлами кенгайиб бораётган

наркоагрессия каби бало-қазолар мамлакатимизнинг ҳозирги кунини ва келажак учун жиддий таҳдидга айланмоқда.

Кейинги вақтда биз турли бузғунчи ва муйайн ташқи кучларнинг юртимиздаги вазиятни издан чиқариш, конституциявий тузумни ағдариш, ўзларининг узоқни кўзлаган қабих режаларини амалга ошириш ва мамлакатимизнинг мустақил ташқи сиёсат йўлини ўзгартириш, ўз стратегик манфаатларига жавоб берадиган тараққиёт моделини зўравонлик билан жорий этишга қаратилган уришларининг гувоҳи бўлдик.

Лекин бу кучлар энг асосий омилни — халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтариб бўлмаслигини ҳисобга олмади.

Биз ана шу хатарли таҳдид ва мисли қўрилмаган тазйиқларга, тухмат ва уйдирмалар оқимиға мардона қарши тура олдик, ҳар бир оила ва бугун мамлакатимизда тинчлик-оқсоқилликни сақлашга муваффақ бўлдик ва бугун қатъий ишонч билан ўз келажакимизни барпо этмоқдамиз.

Бундай вазиятда барчамиз доимо хушёр ва сергак бўлиш, янги куч ва имкониятларимизни сафарбар этган ҳолда, Куролли Кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини янада чуқурроқ англаймиз, албатта.

Бугун бу масала биз учун нафақат долзарб вазифа, балки давлатимиз ва жамиятимизнинг, мамлакатимиз тақдирини ва келажак учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Бизнинг бу борадаги вазифаларимиз қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, минтақамизда содир бўлган ва рўй бераётган воқеалар, уларнинг қайси йўналишда ривожланиб бораётганини инобатга олиш, хавфсизлигимизга раҳна солиши мумкин бўлган замонавий хатар ва таҳдидларни сезгирлик билан баҳолаш, мустақиллигимизга, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, одамларимизнинг осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузларни бартараф этишга қодир Куролли Кучларимизнинг стратегия ва тактикасини такомиллаштириш.

Биз бепарволик ва лоқайдлик каби иллатлардан бутунлай ҳалос бўлишимиз, ҳарбийларимиз, айниқса қўмондонлик ва раҳбарлик лавозимларида ўтирган шахсларнинг ўз иши учун талабчанлик ва масъулият ҳиссини оширишимиз даркор;

Иккинчидан, қўшин турлари ва Куролли Кучларимиз қисмларининг уйғун ва тезкор ҳаракат қилишига, уларнинг жойлардаги ҳокимият органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга эришиш мақсадида армиямизнинг ташкилий қурилиши ва ҳарбий бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур;

Учинчидан, ҳар қайси ҳарбий ҳизматчи онгиде унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгаллик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш. Бу ўта муҳим масала армиядаги ҳизматни, барча бўлинмадаги командирлар фаолиятини баҳолашда асосий мезон бўлиши лозимлигини кўзда тутиш ҳолда, ҳарбий ҳизматчилар, биринчи навбатда ҳарбий ҳизматга қабул қилинганлари тарбиявий, ахлоқий-руҳий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёрлаш борасидаги ишлар қандай йўлга қўйилганини қайта қўриб чиқиш;

Тўртинчидан, ҳарбий ҳизматчиларнинг касбий малакасини оширишга, ҳарбий билан юртли ва сержантлар тайёрлаш мактабларидаги ўқув-тарбия ишларини тубдан яхшилашга, уларни замонавий техника ва жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва таълим технологиялари билан таъминлашга биринчи даражада эътибор қаратиш. Курсантлар, билан юртли ва сержантлар тайёрлаш мактабларини битирувчиларнинг интеллектуал тайёргарлик даражасига алоҳида аҳамият бериш;

Бешинчидан, қўшинларнинг юксак жанговар қобилияти ва самарадорлигини, ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида уларни энг замонавий қурол-яроғ ва техника, махсус жиҳоз ва аслаҳа билан таъминлаш масаласига армиянинг ислох қилишининг ўта муҳим ва устувор вазифаси сифатида қарамоқ. Ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни модернизациялаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини ҳозирги замон талабларига мувофиқ тарзда мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш.

Юқорида зикр этилган барча вазифаларни бажаришнинг энг асосий шартин — ҳарбий ҳизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шaroитларини яхшилаш, иш ҳақи ва таъминотини ошириш масалаларини босқичма-босқич ва тизимли равишда яхшилаб бориш давлат ва жамиятимизнинг, Куролли Кучлар қўмондонлигининг доимий диққат-эътиборида бўлиши зарур.

Кадрли дўстлар!
Бугунги байрам кунинда Куролли Кучлар сафларида ўз ҳизмат бурчинини шараф билан адо этаётган барча Ватан ҳимоячиларига, захирадаги аскар ва офицерларга мурожаат қилар эканман, бизнинг армиямиз юртимизнинг муқаддас сарҳадларини, халқимизнинг тинчлиги ва оқсоқиллигини, мусаффо осмонимизни доимо муносиб ҳимоя қила олади, деб қатъий ишонаман.

Яна бир бор сиз, қадрдонларимни Ватан ҳимоячилари кунин билан табриқлайман.
Барчангизга сийхат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.



ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚААҚОНИ

Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган кундан эътиборан Президентимиз Ислом Каримов томонидан истиқлолни мустаҳкамлаш, эл-юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим қадамлар қўйилди.

1992 йил 14 январда мамлакатимиз ҳудудидеги барча Куролли Кучлар Ўзбекистон

юрисдикциясига ўтказилди. Бу улкан ижтимоий-сиёсий воқеа истиқлолимиз тарихи зарваракларига муҳрланди. Шу боис ҳар йили мазкур кунни катта байрам сифатида муносиб нишонлаймиз.

Шу муносабат билан 13 январь кунини пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонини Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ватан ҳимоячилари кунин» муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Юнусов Абдуҷаббор Ҳасанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг вазод мери

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан
Абдуллаев Аббас Бахтиёр — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Бош бошқармаси бошлиғи

«Ўзбекистон Республикасида ҳизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»
Ивашков Сергей Александрович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик ҳизмати ходими

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан
Исматуллаев Парманбай Дувланович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг вазод командири

«Дўстлик» ордени билан
Абдуқохоров Абдулазиз — Ўзбекистон Республикаси Мудофаага қўмакла-

шувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг раиси

Агамов Ахрор Абзалович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик ҳизмати ходими

«Жасорат» медали билан
Абдиев Қудратилла Ботирович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус гуруҳи катта кинолоғи

«Шон-шараф» ордени билан
Абдуллажонов Нодир Бокжонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

«Дўстлик» ордени билан
Абдуқохоров Абдулазиз — Ўзбекистон Республикаси Мудофаага қўмакла-

шувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг раиси

Агамов Ахрор Абзалович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик ҳизмати ходими

«Жасорат» медали билан
Абдиев Қудратилла Ботирович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус гуруҳи катта кинолоғи

«Шон-шараф» ордени билан
Абдуллажонов Нодир Бокжонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

«Дўстлик» ордени билан
Абдуқохоров Абдулазиз — Ўзбекистон Республикаси Мудофаага қўмакла-

шувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг раиси

Агамов Ахрор Абзалович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик ҳизмати ходими

«Жасорат» медали билан
Абдиев Қудратилла Ботирович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус гуруҳи катта кинолоғи

«Шон-шараф» ордени билан
Абдуллажонов Нодир Бокжонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

«Дўстлик» ордени билан
Абдуқохоров Абдулазиз — Ўзбекистон Республикаси Мудофаага қўмакла-

шувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг раиси

Агамов Ахрор Абзалович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик ҳизмати ходими

«Жасорат» медали билан
Абдиев Қудратилла Ботирович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус гуруҳи катта кинолоғи

«Шон-шараф» ордени билан
Абдуллажонов Нодир Бокжонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

«Дўстлик» ордени билан
Абдуқохоров Абдулазиз — Ўзбекистон Республикаси Мудофаага қўмакла-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси «Жануб» чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара районини Жалолоддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси «Жануб» чегара қўшинлари минтақавий штаби Термиз чегара райони шахсий таркибининг республикамиз миллий хавфсизлигини, Ватанимиз ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга қўшаётган катта ҳиссасини, жанговар-хизмат фаолиятида ижобий натижаларга эришганлигини, ҳарбий ҳизматчиларнинг маҳорати ва юқори профессионал даражасини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараларини муҳофаза қилиш вазифаларини бажаришдаги фидокорлиги ва мардлигини инобатга олиб, шунингдек, Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси «Жануб» чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара райони Жалолоддин Мангуберди ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 январь.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Файзиев Хусан Ибрагимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бўлим бошлиғи ўринбосари
Хайдаров Ваҳоб Низомович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг вазоды командири
Халимов Рустам Қудратович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари гуруҳининг қоровул бошлиғи
Хасанов Отабек Ботирбекович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Худойкулов Баходир Юлдашевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон вазири хайдовчиси
Чориев Фарход Бозорович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегара пости гранатометчиси ёрдамчиси
Юлдашев Эркин Тўраевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқармаси

бошлиғи
Гаппаров Икромжон Рамазонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегарани қўриқловчи катери командири
«Шўҳрат» медали билан
Ан Александр — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг тиббиёт хизмати бошлиғи
Бобоқуллов Зокир Рўзиевич — Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи
Бозоров Шўҳрат Барноқуллович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳ командири ўринбосари
Дўстмуродов Давлат Давронович — Бухоро шаҳар ички ишлар бошқармасининг профилактика инспектори
Комиллов Эркин Жалилович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1-тергов хибхонаси бошлиғи
Касимов Александр

Рашидович — «Тошкент-Аэро» иختислаштирилган божхона мажмуасининг пост катта инспектори
Курбонов Алишер Нормуратович — Ўзбекистон Мудофаасига қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташиқоти Сурхондарё вилояти Термиз автомобиль мактабининг амалий машқ устаси
Лифанов Владимир Федотович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи
Мардонов Фулом Бозорович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг алоқа батальони радиостанцияси бошлиғи
Махбубов Шавкат Фуломович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари «Марказий офицерлар уйи»нинг бўлим бошлиғи
Машарипов Музаффар Рўзметович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги полигони бошлиғининг ўринбосари
Назирова Дилором Носирова — Фарғона вилоят Риштон тумани ички ишлар бўлимининг бўлима бошлиғи
Нематов Дилшод Хайрилович — Ўзбекистон

Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири
Неъматова Мухайё Орифовна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони тиббиёт пунктининг санитар-йўриқчиси
Отиёзов Хамид Отахович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари гуруҳининг қоровул бошлиғи
Пўлатов Фазлиддин Мухидинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кафедра бошлиғи
Ражабов Давлат Усмонович — Термиз ҳарбий судининг раиси
Рўзиев Мирзомурод Махмадмуродович — Қашқадарё вилояти Миришкор тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори
Сафаров Алижон Итломович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Ватанпарвар» газетаси таҳририяти, босмахонаси ва нашриётининг оммавий ишлар ва спорт бўлими бошлиғи

Тошпўлатов Баходир — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг кафедра бошлиғи
Улуғбердиев Шўҳрат Давронович — Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси постининг кичик инспектор-кинолог
Усмонов Авазбек Хамитбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг аккумуляторчиси
Усмонов Рустам Хамидович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Хайдаров Маъруф Жуманазарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взводи ўқичиси
Хотамов Мухиддин Абдурахмонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взводи пулемётчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри, 2006 йил 12 январь.

Холдоров Авазбек Абдулазизович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Алоқа, режим ва хавфсизлик маркази бошлиғи
Хусенов Шўҳрат Исмоилович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси
Шамсуддинов Жаҳонгир Жўраевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг алоқа гуруҳи радиостанцияси бошлиғи
Элмуродов Сайдулло Файзуллаевич — Андижон вилояти Хўжаобод туман прокурорининг ёрдамчиси
Эргашев Баходир Абдулазиз ўғли — Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи Республика лицейининг катта тарбиячиси — взвод командири
Эшдавлатов Алишер Юсупович — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги махсус авария-тиклаш бошқармасининг тиббиёт хизмати бошлиғи
Эшназаров Обиджон Махмудович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бригадаси гуруҳи командири
Яхшибоев Нуритдин Юлдашевич — Жиззах вилоят божхона бошқармасининг бўлима бошлиғи катта тезкор вакили

РАҲБАР ХОДИМЛАР ҲУҚУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари ва туман ҳокимларининг минтақавий семинари бошланди.
Унинг очилишида мазкур академия ректори Қ.Назаров, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди раисининг ўринбосари Б.Миробоев ва бошқаралар ҳокимлари мустақиман давлат, фуқаролик жамияти қуриши ва бозор иқтисодиётининг янада қучураштириш, фуқаролар оғида демократик кадрларни мустақиман таъбиқлаш йўлида илмий-таълимий семинар ташкил этилди.
Давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми — босқичма-босқичлик тамойилига қўйилган амал қилинаётгани ўз самарасини бермоқда.
Айни пайтда барча ишларнинг самараси, мустақилликни мустақиман таъбиқлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш қўл жаҳдан мутасадди раҳбарларнинг сиёсий билими ва малакаси, тафаккури, ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-муҳитини қай даражада англаб етгаётганига боғлиқ. Зеро, жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва вазифаси ва масъулияти ма-

ҳаллий ҳокимлик раҳбарларининг зиммасидадир. Шу мақсадда 2006 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий ҳокимият органлари раҳбар кадрларни тайёрлаш даражасини янада оширишга оид Фармойиши қабул қилинди.
Ушбу Фармойишга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда туманлар ҳокимлари унун мазкур академияда минтақавий семинар ташкил этилди. Дастлабки машғулот давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланди.
Ун кун давом этадиган семинарда жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётининг ислоҳ қилишининг устувор вазифалари билан бирга суд-ҳуқуқ, банк, молия, солиқ тизими, аграр ҳамда ижтимоий соҳалар, аҳоли бандлиги, хотин-қизлар мавқеини янада юксалтиришга оид маърузалар тингланган ва муҳокама қилинади. Жойлардаги бу борада амалга оширилаётган ишлар, орттирилган тажрибалар таҳлил этилади.
Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири В.Ғолишев сўзга чиқди.
Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида ҳарбий соҳадаги ягона давлат сиёсати ишлаб чиқилди. «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар ҳамда ҳарбий Доктринанинг қабул қилиниши миллий армиямиз салохиятини янада ошириш ва жанговар шайлигини юксалтиришига хизмат қилиш билан бирга, ҳарбий ислохотлар стратегиясини белгилаб

берди.
Мамлакатимиз мудофаасини ишончли таъминлаш ишига энг замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа жалб этилган. Ҳарбий таълимни ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Армиямиз учун зарур барча мутахассисликлар бўйича малакали офицер кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Профессional армия аскарларининг гоёвий-сиёсий, жисмоний, жанговар тайёр-гарилдан ўтишидаги гоёт муҳим аҳамияти инobatга олинди. сержантлар мактабларининг ташкил этилиши мавжуд ҳарбий округлар

қисмларини ҳар томонлама чинққан ҳарбийлар билан таъминлаш имконини бермоқда.
Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бошқарув органлари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан ҳарбий округлар тузилди. Ҳарбий соҳадаги бундай кенг қамлаб ишлохотларнинг самараси ўлароқ, мамлакатимизда профессионал армия талабидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий қисм ва муассасаларнинг қайта жойлаштирилишига эришилди. Ҳар қан-

дай мураккаб вазиятда дадил ҳаракат қила оладиган, тезкор ва ҳозиржавоб махсус бўлимлар ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, армиямиз замон талабига мос равишда ихчам ва профессионал шаклга келтирилмоқда.
Мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди. Сафарбарлик чакирув резервидagi хизматнинг жорий этилиши эса дунё ҳарбий тажрибасида том маънодаги янгилик бўлди. Бунинг натижасида қўшинларни тайёрлаш, уларни техникавий таъминлаш сифатини яхшилаш, ҳарбий хизматчилар турмуш даражасини юксалтириш масалаларига эътибор янада кучайди. Она юртимиз мудофааси учун етарли даражада резервчилар армиясини тайёрлаш имкони юзга келди.
Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларимизни иш билан таъминлашда ўзига хос устуворликлар мавжуд. Бундан ташқари, олий ўқув юртида ўқиш истагида бўлган намунали аскарларга қатор имтиёзлар берилиши йўлга қўйилди. Ҳарбий қисм қўмондонлигининг махсус тасвирномасини қўлга киритган абитуриентга олий ўқув юртига киришида тест синовлари-

дан тўплаган балларига тўплагани мумкин бўлган энг юқори баллини йигирма беш фоизи миқдорда қўшимча балл берилди. Тасвирномаси эга бўла туриб, тест синовларидан зарур балл тўплай олмаган абитуриентлар эса айрим таълим йўналишлари бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.
Эндиликда она-Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ фуқароларимизнинг конституциявий бурчигина эмас, шарафли ва масъулиятли ишга айланди. Миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларга оила ва мактабда олиб ўлгуриган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактаби ҳамдир. Шубҳасиз, эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўлган миллий армиямиз ҳар жиҳатдан кудратли, ҳарбий маҳорат борасида ҳеч қимдан кам эмас.
Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға

мувофиқ Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Йўналишда Ватаниннг ана шу юксак мукофотлари топширилди.
Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан сержантлар А.Юсупов ва М.Неъматова ҳарбий хизматчиларга курсатилган доимий ғамхўрлик ва эътибор учун Президентимиз Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди.
Бу йил ҳам Ўзбекистон Қуролли Кучларида уч босқичдан иборат аънанвий танлов ўтказилди. Биринчи босқич ҳарбий қисмлар, иккинчи босқич ҳарбий округлар бўйича ва учинчи босқич Қуролли Кучлар миқёсида ташкил этилди. Йўналишда «Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири» ва «Энг илғор батальон командири» йўналишлари бўйича ўтказилган мазкур танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.
Байрам тадбирида санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерт намойиш этилди.
Тантанали йўналишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев катнашди.
Норали ОЧИЛОВ, ЎЗА мухбири, Сарвар ҲУСНОВ олган суратлар.

Кеча пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди.

Қонунчиликни такомиллаштириш йўлида

Анжуманда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолиятининг кафолатлариға доир қонунчиликни такомиллаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда ННТлар ролини ошириш, юртимизда бундай ташкилотларнинг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш масалалари «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси доирасида атрофица муҳокама этилди.
Айтиш лозимки, айни пайтда республикамизда 5 миңдан зиёд ННТ фаолият юритмоқда. Улар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик кадрларнинг қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутуда. Янгида тузилган Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг асосий мақсадлари ҳам жамият ҳаётини либераллаштириш,

демократик кадрларни мустаҳкамлашға қаратилган. Бугунги кунда ассоциацияға 110 га яқин ННТ аъзо бўлди. Бундан бирмунча илгари ташкил этилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди томонидан эса турт йўналишда ижтимоий аҳамиятға молик лойиҳалар учун танлов эълон қилинди.
Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янги поғонаға кўтаришда ва юқорида қайд этилган қонун лойиҳасини такомиллаштиришда ҳамоматчилик ва мазкур соҳа ходимларининг фикрини ўрганиш алоҳида аҳамиятға эға. Семинар қатнашчилари ННТлар ролини ошириш, уларнинг молиявий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар билдиришди.
С. ДОНИБЕВ.

Миллий кадрларнинг асралиқ ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТНИ ЮКСАК МАЪНАВИЯТСИЗ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

МАШАҚАТЛИ БАХТ

«Халқ сўзи» газетасининг 7 январь сонида босилган М. Саидовнинг «Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди» сарлавҳали мақоласида бугунги кунимизнинг энг муҳим масаласи — ёшлар тарбияси, эркин кунимизда дахлдор муаммолар борасида сўз кетади.

Миллат маънавиятиға соя солмокчи бўлаётган унсурлар кўп. Уларни қўлпоққ бўлса ҳам бўло деб аташ керак. Мазкур балолар, одатда, кўзга кўринмайди, бундай балолар лашкарға ўхшаб, очикдан очик ёпирилиб келмайди. Шунинг учун ҳам элчи ичдан бузадиган бундай офатлар ҳар қандай фойдадан муддишроқдир. Агар ҳар бир халқ ўзининг юрағида, ўзининг ақлида бундай мунофиқликларға қарши турадиган ботиний кудратни вужудға келтириб, бу кудратни парварши қилмас, чинқитирмас экан, таназул муқаррабдир. Бундай бунёдкорлик, бундай тарбия аввало Сўздан бошланади.
Сўз айлади инсонни жудо ҳайвондин, Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин, деб лутф қилган эдилар Навоий ҳазратлари.
Тубанлашиш учун қўп рибзат талаб қилинади. Чунки у шайтоний фаолият руҳий танбалликнинг, нафсиворалиқнинг жиркан оқибатидир. Инсон маънавий баркамоллик учун курашини тўхтатган заҳоти, шайтоннинг малайига айланади.
Алишер Навоий қаламиға мансуб юқорида келтирилган байтдаги «Сўз» сўзи, аслида, «маънавият» қаламининг маънодошидир. Чунки сўз маънавий курашлар майдонидаги жангларда кудратли қуролдир. Бу қурол, уни ишлатаётган одамнинг ният ва маҳорати-

ки инсон Топмоққа адаб қарор келиб кетувиси».
Пахлавон Маҳмуд ҳазратлари шуни алоҳида таъкидлайдики, бундай юксак маънавий даражаға эришмоғи учун ҳар бир инсон ўзининг дунёға келишидан мақсадни теган англамоғи керак. Мақсадсиз орзу, орзусиз эса унинг рўбеси бўлмайди. Юксак орзу-умидларға эришиб улкан марраларға эришиб бўлмайди.
Шоир талқиница мутлоқ абадийликка эришмоқликнинг илоҳи йўқ. Бироқ ўтмишдан баҳра олиб, келажак учун ҳаёт кеңиришининг ўзи ҳар бир одамни мангуликка дахлдор қилади. Рубоий:
«Қўп менда савол, энди жавоб қим қилгай, Қўп менда гуноҳ, энди савоб қим қилгай, Қайдики хоки пок, тавоф қилдим мен, Хокимни менинг энди тавоф қим қилгай».
Демак, ватанимиз шунчаки бир туپроқдан эмас, балки ақдолларимизнинг хоки покларидан иборат. Уларнинг хоки покларин тавоф қилиш, уларнинг туپроқларини шунчаки бир кўзға суртиш эмас, уларнинг эзгу амалларини ўрганиш, ўзлаштириш, мазкур амаллардан иборат олган ҳолда, ўз фаолиятимиз билан алардан қолган меросини тараққий топтириш, ҳақиқий ворис бўлишдир.
Пахлавон Маҳмуд умид этган инсоннинг юрак эркинлиги, руҳий озодлиги ақлборар қилмас даражада фаол ҳамда ўз фаолиғи билан қияфоланиб қолмасдан, ана шу фаоллик даражасида кудратли бўлиши зарур. Шоир шу фаолликнинг самарали бўлишини таъминлайдиган ҳайбатли кудратға эҳтиёж туғдирадиган машаққат суратини ўзига хос бир йўсунда чиқарди. Шоир ўз ўқувчисиға эринг қандай аждаҳони енгиши зарурлигини кўрсатиб беради. Пахлавон Маҳмуднинг бу кўрсатмаси, шубҳасиз, инсоннинг имкониятлари учун ўзига хос маҳад тоши вазифасини ўтайди. Амалларнинг сарагини сарракка, пучагини пучакка ажратади. Шоир олдимизға қўйган талаблар, маънавий мезонлар бизни суронли курашларға чорлайди. Одам бўлишининг ниҳоятда бир машаққатли саодат эканлигини кўрсатади. Бу машаққатнинг ҳам инсон гарданидаги юк, ҳам бошидаги залворли бир саодат эканлигини ишонarli далиллар билан исбот этади. Рубоий.
Ўтқинчи бу оламда қилиш хуррам эмас, йўқки бир қўнғили унинг беғам эмас. Шод ўлсам бу оламда бирон одам агар, Бил бу иков ё олам, ё одам эмас.
Яъни инсоннинг озодлиғи шу даражада мўъжизакор бўлмоғи лозимки, бу мўъжиза одамни бахтиёр қилиши мумкин бўлмаган оламни одамни бахтиёр қиладиган оламға, бахтли бўлиши мумкин бўлмаган одамни бахтли одамға айлантириши керак.
Пахлавон Маҳмуднинг оташин мисраларида хурлик ҳақидаги фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадикки, инсон ўзига бахш этилган илоҳий имтиёз билан аҳрали туради. Бу имтиёзнинг моҳияти унга бахш этилган ақлу заковатдир. Бу имтиёз унинг елкасиға бу дунёнинг ташвишларини чекиш

вазифаси билан бирға, илоҳий масъулият юқини ҳам ортади.
Пахлавон Маҳмуд ҳазратлари ўз ўқувчиларига уларнинг ҳар биттаси зиммасиға масъулиятни ниҳоятда ҳикматли бир рубоий воситасида англатди.
Муртад била гоҳида, не тонг, обид тенг, оқил, Не топса қамол ва бўлса не нобуд тенг. Дунё ишини яқин деб айтма, Оқил назаринда тахт билан тобут тенг.
Дарҳақиқат, эзгу амаллари бўлмаса, фақат ўзининг биланға мағрур бўлиб, зиммасиға юқлатилган дунёни омон асраб туришдек илоҳий вазифани эзгу амаллари билан адо этмаса, бундай художўй билан худосизнинг ўртасида фарқ қолмайди.
Пахлавон Маҳмуд ҳазратлари ҳар бир мисрада шахсининг аҳамиятини юксакларда тутиб фикрлайди. Ватанини руҳи бандан одамлар ватан қилиши муқаррабдирини қайта-қайта таъкидлашдан чарчамайди. Ҳар бир ўқувчига ўз бахтининг илоҳдорли унинг ўзи эканлигини қайта-қайта ўқиради.
Келинг, суҳбатимизнинг якунида ҳам Пахлавон Маҳмуд ҳазратларига мурожаат этайлик. Рубоий:
Йўлинг сенинг оқ бил, Бу қадар оқ йўл йўқ, Бундай зафару шоҳда муваффақ йўл йўқ. Гофилу ажизға бу одимлар ўч, Хушёр ва кучли бўл, Булақ ҳақ йўл йўқ.
Матназар АБДУЛҲАКИМ, Хоразм Мазъун академиясининг катта илмий ходими.
Зиёда АШУРОВА.

ЖАНГОВАР, МУЗАФФАР, ИШОНЧЛИ ПОСБОН

Бугун юртимизнинг барча гўшаларида Ватан ҳимоячилари куни катта тантана билан нишонланади. Дарҳақиқат, бундан 14 йил муқаддам ташкил топган Куролли Кучларимиз ўтган қисқа муддатда дунёда ўз нуфузи ва ўрнига эга бўлди. Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ фуқароларнинг конституциявий бурчигина эмас, шарафи ва масъулиятига айланган. Негаки, ҳар бир инсон тугилиб ўсган юртини, унинг тупроғини ардоқлаши, керак бўлса, ҳимоя қилиши шарт.

ЭЛНИНГ ЭПЧИЛ ВА МАРД ЎҒЛОНЛАРИ

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармасида бўлганимизда байрам тадбирининг устидан чиқдик. Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган анжуманда вилоятдаги барча шахар ва туман мудофаа ишлари бўлимида шахсий таркиби қатнашди. Алоҳида хизмат кўрсатганларга совғалар топширилди.

— Айни кунларда навбатдаги чақирув ишларини бошлаб юборганимиз. — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Зоҳид Аҳмеджўраев. — Бу сафар 1990 йилда тугилган ўсмирлар хизматида чақирилди. Ходимларимиз кишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар, мактаб ва коллежларда бўлишиб, чақирилувчиларнинг оилавий шароити, ҳули, юриш-туришини ўрганиб чиқишмоқда. Чақирилувчилар рўйхатга олиб бўлинган, февраль ойида тиббий кўриқдан ўтказилди. Ўтган кузги чақирувда вилоят ҳокимлиги кўмағида кўпгаб шахар ва туман мудофаа бўлимидаги чақирув пунктлари таъмирдан чиқарилган. Яқинда Олмалик шахар мудофаа ишлари бўлими тўлиқ, Бекобод шахар мудофаа ишлари бўлимининг эса чақирув пункти таъмирланиб, зарур ускуналар билан таъминланди. Куролли Кучларимиз сафига муддатли хизматга қабириш танлов асосида амалга оширилган барчага маълум.

Ҳа, миллий армиямиз нуфузи йилдан-йилга ошиб

бояпти. Бу албатта, Президентимиз, Олий Бosh Кўмондон томонидан Куролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси. Бугун муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскар энг замонавий курол-яроғлардан фойдаланишни билади. Уларнинг ихтиёрида мукамал компьютерлар, Кискаси, у ўз юрти, тугилиб ўсган тупроғининг чин маънодаги ҳимоячисига айланган. Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам ота-оналар фарзандларини хизматдан олиб қолиш учун турли баҳоналарни рўқач қилишарди. Энди эса, менинг ўғлим ҳам хизматга борсин, деб илтимос билан келувчилар кўпайиб кетди.

Ҳукуматимиз томонидан ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам хизматга қизиқувчилар сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафига муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ва ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқаролар учун республиканинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш-

да тест синовларида имтиёзли шартлар белги-ланган. Уларга тўпланиши керак бўлган энг кўп бал-нинг 25 фоизи миқдорида қўшимча баллар берилади. Ўқитишнинг айрим йўналишлари бўйича собиқ аскарлар тест синовлари пайтида етарлича балл тўплай олмаса ҳам тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади. Бундай имтиёз тўғрисида ҳар йили муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган ёшларнинг 40 фоизи мамлакат олий ўқув юртига ўқишга кириш учун ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномаларини олмақда.

— Ўтган кузги мавсумда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган вилоятимиз ёшларидан 400 нафардан ортиғи ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг тегишли тавсияномалари билан уйига қайтишди, — дея сўзида давом этди Зоҳид ака. Бу кўнунчи ҳол. Улар ҳозирда ўзлари хоҳлаган мутахассисликка бўйича олий ўқув юртига тайёргарлик кўришмоқда. Яна бир гап. Ҳарбий хизмат ёшларни ҳаётга тайёрлашда ҳам ўзи-га хос мактаб вазифини ўтамоқда. Сўзининг сўнги-да фурсатдан фойдаланиб, Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси шахсий таркиби номидан жанговар касб эгаларини Ватан ҳимоячилари кунини билан чин юракдан муборак-бод этаман.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Бугун — Ватан ҳимоячилари кунини



Я. КОРУКА олган сурат.

Катта Тағоб Қатрон тоғ тизмалари эстагидида жойлашган кўҳна қишлоқлардан. Йигитлари орасидан нафақат водийда, балки республикамизда таниқли полковлар етишиб чиққан. Айтишларича, Кўҳон хонлари хос аскарларини аксарий пайт шу қишлоқнинг норғул, бўйчан, салобатли йигитлари орасидан танлаб олишган экан. Камолиддин Шерназаров ҳам шу қишлоқнинг фарзанди.

Камолиддиннинг орзуси ушалди

У ўрта мактабни битиргач, Фарғона шаҳридаги саноат касб-хунадаги коллежда тахсил олди, мактабда олган билимларини янада мустаҳкамлади. Шундан сўнг болалиқдаги орзуси — тарихчи бўлиш ниятида Кўҳон Давлат педагогика институтига ҳужжат топширади. Аммо, омади чопмай ўқишга киролмади.

Отаси Қаримжон ака, онаси Маърифат опанинг дуои-фотоҳалари, маслаҳатлари билан аскарликда тобланиб, йигитлик бурчини ўташга қарор қилди. Ҳарбий хизматни Ватан сарҳадларини кеч-ю кундуз, хушёр кўриқловчи чегарачилар сафидида ўтади.

Камолиддин ўзига топширилган вазифаларни доимо аъло даражада бажариб келди. Бир томонда жафокаш Афғон юрти, уртада эса қамишзорларга тўш уриб шовулётган Амударё...

Пойингда эса кўзга тўғийдек, оқ ювиб оқ тараган она-Ватан. Унинг покиза гардига зирачча санчилса юракларингда садо беради. Шу мўътабар юртни кўз қорачи-ғидаи асраб, садоқат ва вафо билан хизмат қилаётган Камолиддиннинг ҳарбий ҳаётидан миннатдорчилик мактуби келганда бутун Катта Тағоб бирдай қувонди, чегарачи йигитнинг жасорати битилган хатни кичик укаси Зиёдхон бучун қишлоққа овоза қилди, оиланинг ўртанчаси Саиджон эса ўша ондаёқ акасидай интизомли, Ватаннинг ҳар бир чақири-ғига лаббай, деб жавоб берадиган ўғлон бўлиш-ни дилига тугиб қўйди.

— Ҳарбий хизмат, айниқса чегарадаги тартиб-интизом ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди, — дейди кечаги аскар, бугунги талаба Камолиддин. — Вақтим бўлди дегунча уйдан хиз-

матга олиб кетган китоблар, дарсликлардан тест синовларига тайёрландим. Мактабда, коллежда ўқиб юрганда ҳам хозирлик кўрдим. Лекин интизом, тартиб бор жойда кунт, сабот устун келаверар экан. Ҳарбий хизматни тугаллаб болалиқдаги орузим — тадқиқотчи тарихчи бўлиш ниятида Кўҳон Давлат педагогика институтига ҳужжат топширдим. Аскарликда ўқиганларим, энг асосийси, шахс сифатида тобланиш қўл келди. Грант бўйича талабалар сафидан ўрин олдим. Албатта, ҳарбий чегарачи сифатида ҳукуматимиз яратиб берган имтиёزلардан ҳам фойдаландим.

Бугун Катта Тағоб қишлоғининг ўнлаб ёшлари Камолиддиннинг изидан боришни кўнглига туккан.

Набижон СОБИР, "Халқ сўзи" мухбири.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Хотин-қизлар кўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бўлими хамкорликда Чимбой туманида Ватан ҳимоячилари кунига бағиш-лаб бир қатор тадбирлар уюштирди.

Тумандаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хуна коллежларида ўтказилган учрашув ва суҳбатларда миллий армиямизда амалга оширилаётган ислохотлар, ҳарбийлик касбининг нуфузи ортиб, ёшларнинг Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилишга бўлган интилиши кучайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Тумандаги 5-ўрта мактабда ўтказилган тадбирлар иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган ҳар бир тадбирда, — дейди мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг туман бўлими раҳбари Ережон Насратдинов, — ёшлар миллий армиямизга бўлган қизиқишларини намоян қилди. "Миллий армиямиз — юрт посбони", "Мардлар кўриқлайди Ватанни" мавзусидаги суҳбатлар уларда катта таассурот қолдирди.

Биз Акмалжон Ҳамдамовнинг тақлифи билан маданий-маърифий тадбирлар ўтказилганда бинодо бўлди. Кутубхона билан спорт залидан йигитлар қадами узилмади. Подполковник Машрабжон Қодировнинг таъкидлашича, кутубхона янги адабиётлар билан тобора бойиб бормоқда.

Куролли Кучларимиз Ватаннинг осмонининг мусафоллигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, юрт тинчлиги ва осудалигини таъминлайди. Армиямизнинг кучқудрати, шавқати, салоҳияти эса йигитларимизнинг билими, энг замонавий жанговар техникани қай даражада ўзлаштириши, хушёрлигига боғлиқ. Ҳарбий қисмга янги электрон машиналар, жиҳозлар кириб келди.

Хайрлашув олдидан яна бир азамат ўғлон — Баҳодир Ҳусанов билан танишиб қолдик. У жанговар наватчиликда ўз вазифини аъло даражада бажарганлигини учун "Жасорат" медали билан тақдирланди.

Мард ва жасур йигитлар. Улар бор экан, ҳеч ким чўчиб ўйғонмайди. Улар бор экан, бирор ганим Ватан остонасидан ҳатлаб ўтолмайди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва теҳнолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат

«ЎЗТАДБИРКОРБАНК»и

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида миллий валютадаги пластик карточкаларидан фойдаланишни тақлиф қилади!

- * банкнинг сўм пластик карточкалари орқали республикамиз ҳудудидаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги терминалларида товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишингиз мумкин;
- * пластик карточкаларимиздан фойдаланган ҳолда барча коммунал ва телефон алоқалари учун тўловларни амалга ошириш, шунингдек, пластик карточкага мунтазам равишда нақд пул қўйиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар орқали тўлдириш имконияти бор;
- * пластик карточкадаги қолдиқ суммага йиллик 18% устама даромад ҳисобланади;
- * пластик карточка орқали Тошкент метроси, темир йўл кассалари ва авиакассаларда чипталар учун ҳисоб-китоб қилиш мумкин;
- * пластик карточка ўғирланган ёки йўқотиб қўйилган ҳолатларда ҳисобварақларингиздаги маблағни кафолатлаймиз!



"Ўзтадбиркорбанк" миллий валютадаги пластик карточкалари ишонгли, кафолатли ва қўлайдир!

Имкониятингизни қўлган бой берманг!

Жасоратга тўла лаҳзалар

Улар мамлакат Мудофаа вазириликнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа ва ҳарбий ҳаво кучлари таркибига кирувчи Н. қисмида хизмат қиладилар. Шунқорлар зиммасига Ватаннинг осмонини сез-гирлик билан кузатиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш, айни дамда шахсий таркибининг жанговар ҳамда сиёсий тайёргарлигини оширишдек шарафли ва муқаддас вазифа юклатилган.

Ҳарбий қисм сардори подполковник Акмалжон Ҳамдамов бизни аскарлар ва зобитлар ҳаёти билан яқиндан таништирар экан Самарқанднинг Оқдарё туманидан йигитлик бурчини ўташ учун қабирилган Рустам Файзуллаев ҳақида алоҳида тўхталиди.

— Сафимизга яқинда қўшилганга қарамай "Энг намунали аскар" номини олиш учун интиляпти. Жанговар топшириқларни аниқ, пишмик-пухта бажаради. Ҳарбий спорт мусобақаларида фаол. Кўп ўқийди, маҳоратини ошириш учун тинмай изланади.

Рустам оиланинг учинчи фарзанди. Дадаси туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасида, онаси эса савдо соҳасида ишлайди. — Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим, — дейди кўзларида шижоат

ўти ёлқинланган Рустам. — Шу орузим ушалганидан ниҳоятда хурсандман. Армия хизматини ўтаб бўлгач, олий ҳарбий-ўқув юртига ҳужжат топширмоқчиман.

Қисмда Рустам сингари орзулари бир олам эртанги куннинг режалари билан нафас олаётган ёшлар кўп. Шулардан бири Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ туманидан хизматга қабирилган Ўқтам Қосимовдир. Бақувват, боқишлари жиддий бу йигит ҳарбий спорт машғулотларини ўтказиш учун махсус спорт зали ташкил этилганини ва у энг замонавий анжомлар билан таъминланганини ҳаяжон билан гапириб берди.

— Ҳарбий қасамд қилган кунимиз ҳаётимдаги энг унутилмас кун бўлиб қолди, — дейди Ўқтам. — Бу тадбир ўтган йили Андижон шаҳрининг Хотира майдонида ўтказилган экан. Бизлар янги барпо этилган Конституция майдонида қасамд қабул қилдик. Бир вақтлари акаларимиз сингари узоқ ўқаларда, ўта қийин шароитларда, юрак безиллайдиган ҳолатларда эмас, аксинча ота-онамиз бағридагидек осуда, ҳамжихатликда хизматни ўтаётганимиздан бахтиёримиз. Қисимимизда турли миллат фарзандлари бор. Улар билан оғанилардек иноқмиз.

лоятдаги ҳарбий қисмларда ўз хизмат бурчини аъло даражада ўтаётган энг сара ҳарбий хизматчилар тақлиф этилди. Уларга вилоят ҳокимлиги ва турли ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъаткорлар ва ихрочи ёшларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача фойза бахш этди. Байрам тадбирида Сирдарё вилояти ҳокими А.Жалолов қатнашди.

(Ў.А.)

ҲАРБИЙЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

Ватан ҳимоячилари кунини мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Сирдарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбир ҳарбийларни ўшбу байрам муносабати билан тақдирлашга бағишланди. Тантанали маросимга ви-

лоятдаги ҳарбий қисмларда ўз хизмат бурчини аъло даражада ўтаётган энг сара ҳарбий хизматчилар тақлиф этилди. Уларга вилоят ҳокимлиги ва турли ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъаткорлар ва ихрочи ёшларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача фойза бахш этди. Байрам тадбирида Сирдарё вилояти ҳокими А.Жалолов қатнашди.

(Ў.А.)

МАНЗАРАЛИ ДАРАҲТ, АРЧА КўЧАТЛАРИНИ ЭКИБ ҲОВЛИНГИНИ БЕЗАМОҚИМИСИ?

МАРҲАМАТ, АРЗОН НАРХЛАРДА, ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МҮМКИН:

1. СОСНА — 40 000 ДОНА
2. МОЖЖЕВЕЛЬНИК — 35 000 ДОНА
3. КИПАРИС — 1 500 ДОНА
4. ТУЙЯ — 10 000 ДОНА.

Тўлов шакли сўз ҳолатида.

Манзил: Термиз шаҳри, Пахтакор кўчаси, 13-уй

Телефонлари: (0-376-22) 4-95-87, 4-80-26, 3-65-34, 7-24-15.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25

132-10-63

242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитасининг жамоаси Қурилишда танлов савдолари бошқармасининг бошлиғи Абдор Тўрғунович Азизова волидаи муҳтарамаси

Розахон АЗИЗОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Юридик бўлим бошлиғи Абдунаби Келдиқов вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдирди.

АТИБ «Ипотека-банк» Меҳнат фидоли жамоаси «Савдогар» акциядорлик тижорат банки Департамент директори Мухаммадjon Акрамов ва унинг оида аъзолари оналари **Озода АҚРАМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодий университетининг ректорати ва Бирлашган касаб уюшма кўмитаси Бухгалтерия ҳисоби кафедраси профессори Солиқ Воҳидова акаси, меҳнат фахрийси **Неъмат ВОҲИДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Кимё технология институтининг жамоаси Озик-овқат технологияси факультети Еф-мов ва дон маҳсулотлари технологияси кафедраси профессори П. Турсунходжаева акаси **Олимхўжа ТУРСУНХОДЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектеlevision» студияси жамоаси бўлим бошлиғи Сабриддин Мамақосупова қизини **Хумора БОЙҚОБИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг жамоаси Ижтимоий фанлар ва маънавий асослари кафедраси катта ўқитувчиси, профессор **Нуридло АҲМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оида аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдирди.

ЭХТИРОМ



1958 йил. Университет талабаларимиз. Бир куни сабоқдошимиз гап топиб келди: "Езувчилар уюшмасида катта мушоира бўлар эмиш". Дарҳол дарсдан "кўён" бўлиш йўлини излай бошладик. Бирданга "бошимиз оғриб қолди" ва аудиториядан базур юриб чикдигу Езувчилар уюшмаси томон учдик.

Халлослаб етиб борсак, кичкина залга одам тўлибди, бўш жой йўқ. Кираверишда, йўлакда "деворни суяб" туравердик. Мушоира бошланди. Биз китобларини ўқиган, бироқ ўзларини кўрмаган аллома шоирларимизнинг аксарияти шу ерда экан: Фафур Фулом, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла...

Эркак сўзнинг гаси эди

Сўз Собир Абдуллага берилди. Собир ака минбарга чиқди. Бир варақ қозога қайта-қайта қаради, кейин залга ўғирилди. Хаста товушда оҳиста деди:

— Туроб, сен ўқиб бера қол...
Гурр кулги кўтарилди.
— Газални Собир ёзсин, Туроб ўқисин, — деб кимдир учирди қилди.
Минбарга ўрта бўйли, қулча юз, сочлари типратикан найзасидек тиккайган киши чиқди. Ийманиб қулганча Собир аканинг кўлидан газални олди ва жарангдор, ўткир, ёқимли овоз билан ўқиб кетди.
Газал тугади. Чапақ бўлди. Назаримда, бу олқишнинг ярми Туроб акага аталган эди. Ушанда у киши ҳали қирққа қирмаган қирчиллама йигит, доврўкли шоир эди. Такикли воиз ва суҳандон эди.

Аста-секин Туроб акага ақинлашиб, у киши билан ака-ука бўлиб кетдик. Туроб акада одамни ўзига тортадиган ажиб бир хислат бор эди: хайрхоликми, дилкашликми, оққўнғилликми...

Устоз эрқаланиб гапирар, эрқаланиб ёзар, шоғирдларини ҳам суюб эрқаларди. Бир сафар Туроб аканинг шеърига басталанган янги кўшиги пайдо бўлди. Кўшиқ "Бир ажиб юртимиз бор" деб бошланарди. Бу кўшиқ ҳам Туроб аканинг барча кўшиқлари каби дарров оғизга тушди, хофизлар бирин-кетин айта бошладилар. Биз Туроб акага ҳазил қилмоқчи бўлдик. Раҳматли дўстим Анвар Эшонов, яна кимдир, учовлон кўшиққа пародия тўқидик:

*Бир ажиб юртимиз бор,
Ярми кампир, ярми чол,
Ярми сахро, ярми жаннат,
Ярми ўтлоқ, ярми — мол...*

Туроб ака пародияни эшитиб, мириқиб қулди. "Давомини ҳам тўқинлар-да энди, ё хашар қиламизми?" деди. У пайтлар Туроб аканинг ёшидаги атоқли шоирларга пародия ёзиш одат саналмас эди.

Умуман, Туроб ака қувнок, дилкаш, камтар, такаббуриликдан олис, самимий инсон эди. Кўришганда қўлингизни бирозгача кўйиб юбормас, қизик бир гап ё нозик мутўйба ила димогингизни чоғ этар, бундан ўзи ҳам роҳатланарди.

Сув ичирмасга сут ичир, деган гап атай Туроб ака учун ўйлаб топилгандек эди. Бишлимча, дўстларига қандай хизмат қилса, рақибларини ҳам рози қилишга уринарди. Бир куни сўрадим: "Ака, фалончини нега бунча эрқалатасиз, у сизни унча ёқтирмайди?" Туроб ака қулди: "Унча ёқтирмас, демак, сал-пал ёқтирар экан-да. Кел, шўям хурсанд бўйсин, Туроб ака мени олалади демасин. Кенгроқ бўлаверайлик, кенгга-кенг дунё..."



Шунақаси ҳам бўлади

Хоч ўйглагай

Бундан саккиз йил бурун Русиядаги насронийлар ибодатхоналаридан бирида ажиб воқеа содир бўлди. Бир куни хизматчилар ибодатхона тўридаги санамларнинг кўзидан ёш сизиб чиқётганини кўриб қолдилар.

Бу ҳодисани дарҳол роҳибга етказдилар. Роҳиб мазкур ғайритабиий воқеага ўзича шундай изоҳ берди:

— Замона зўрники бўлиб кетди. Дунёпараст амалдорларда адлу инсоф қолмади. Бировнинг ҳақидан биров ҳазар қилмайди. Раият билан ҳеч кимнинг иши йўқ, халқ мулк талон-торож, бировлар очлик туфайли ухлай олмас, баъзи бировлар тўқликдан ухлай олмай хансирайди. Яратган эгамнинг бандаларига етган зулмга чидай олмай бутхонадаги хоҳлар санамлар ҳам кўз ёш тўққанларига ажабланмаса ҳам бўлади.

Ғаламу тўй

Испаниядаги бир қишлоқда ғаламу тўй бўлиб ўтди. Келин-куёв черковга эшак миниб келишди.

Никоҳдан ўтгач, ўша эшакда тўппа-тўғри зиёфатхонага ташриф буюрдилар. Баэм бўлаётган хона бурчагида эшак боғлиқ турарди. Тўйдан кейин келин-куёв эшакка мингашиб ўз қишлоқларига қайтиб кетдилар.



Абдулла Қаҳҳор ҳикматлари

• Халқнинг қалбига узокдан қўл солиб бўлмайди, қўл солиш учун унинг олдига бориш керак.

• Юртни обод қилман деган киши ўзи обод бўлади.

• Одамнинг одамга акси уради. Одамнинг чиқити бўлмайди.

• Шундай одамлар ҳам бўладики, тугилганда ҳеч ким севинмаган бўлса ҳам, ўлганда бутун юрт аза тутади.

• Таннингда филнинг кучи, чуқолиннинг ғайратли бўлиши.

• Тинмай қоққан эшик очилади. Фойибдан ниманидир кутиб яшаш — сувага суянгандай гап.

• Бир нарса ҳақида биргина одам гапирса балки ҳали ҳеч нима юз бермагандир. Лекин бошқалар ҳам гапирар бошладими, демак, бир гап бор, бу ишга энди диққат қилинмоғи лозим.

• Одам ўз гуноҳини бировнинг гуноҳи билан ювмоқчи бўлиши чакки, чунки гуноҳни гуноҳ ҳеч қачон ювмайди.

• Қўқилган одам йўлда ётган тошдан ўпкаламайди.

• Амалдорни мактадан одам бориб уни қулгоғига мактамайди. Кўнчилик ўртасида мактайдми. Бу ўша амалдорга обрў келтиради. Ва у обрўни майдалаб пул қилади.

• Биров гапни ёғлаб гапирарди, биров тиканак боғлаб гапирарди... Одам гапни қай тарзда гапирганига эмас, нима деганига қаралса, дуруст бўлар.

• Талант учун энг хавфли ширра "офарин"-чиликдир.

• Таъна, дашном, танқид ва бошқа турли дўстона, хайрихоҳона товушларга таҳсин аралашса, қулқоққа фақат таҳсингина кирарди.

• Тошқин сув тегиримонни бузиши ҳам мумкин, юргизиши ҳам.

• Бақиргандан кўра мароми билан секинроқ қилинган таъна қулқоққа яхшироқ кирарди, эҳнага яхшироқ ўрнашарди.

• Ярамас одам сувнинг бетидеги ёғдай ажралиб турадиган бир ҳолатни вужудга келтиришимиз зарур.

• Ҳақиқат қанчалик кўп қаршиликка учраса, кишиларнинг қалбидан шунча чуқурроқ урин олади.

CURUNG

Фотима хола ҳар куни саҳар мардонда уйғонади. Бомдод намозини ўқиб бўладики икки қулочлик супургисини судраб йўлга тушади. У бир вақтлар Қизилтоғ деб ном олган қончилар шаҳарчасида фаррошлик қиларди. Шаҳарчининг шох кўчасини супурарди. Кўча энсиз бўлгани билан, анчагина узун. У бошидан тушиб, бу бошига етгунча холанинг мадори қурийдми. Ҳоҳида Феруза қизи қарайиб турарди-ю, аксига олиб, у бугун ўқишига кетадиган. Феруза Олмаликда ҳамшираликка ўқийди. Худо хоҳласа, бу йил битириб келиб, ёнига кирарди.

роғат, — Сиз садақа сўраётганингиз йўғ-у уяладиган. Феруза диплом олиб, ҳамшира бўлиб келса, ҳаммага яхши эмасми? Ферузани ўқишга жўнатдию хола минг бир истихоло билан Мавлоннинг ишхонасига борди. Лекин ҳадеганда ичкари

Хайрли кўл қайрилмас

Хола бугун нафас ростламай ишлади. "Ферузани жўнатай, мактабидан кеч қолмасин" деб тезроқ уйга қайтди. Қизи халталарини тўлдириб кетишга шай бўлиб турган экан. Она айвон четига омонат ўтирди. Қиз онасининг кўзига мўлтираб боқди.

— Нима қилдик энди, ая? — деди Феруза, — айтган пулини тўламасак диплом бермайди. Кейин шунча йил ўқиганим бир пул бўлади.

— Қанча тўлаш керак экан, кўпми? — ух тортиди она.

— Биз учун кўп, — деди Феруза, — сизнинг беш, олтига ойилгингизча бўлиб қолар.

Фотима хола устунга саяниб қолди. Рўмолининг учини тишлаб ўйга толди. Отасиз тўрт етимни катта қияпти. Бошини барқаш қилди, елкасини обқаш. Чумчуққа чўқитмади, отликка тептирмади. Феруза энди бир хунарининг эгаси бўлай деб турганда диплом ҳақи деган гап чиқди. Бор бўлса, жонжон, қизининг бош-кўзидан садақа деб берарди. Йўқни йўндириб бўлмас.

Шу пайт девор-дармиён қўшини Фароғат кирди. Она-боланинг мунга-йиб ўтирганини кўриб ияқ қоқди:

— Ҳм, Фотимабону, хайитлик тегмаган болалардек аразлаб ўтирибсанлар, тинчликми?

— Худого шукр, тинчлик, — деди хола ва бошидаги савдонини айтди. Фароғат гапга чечан аёл. Қошини чиқариб, лабини тишлаб турди-да:

— Мавлоннинг олдига бориб, бону, — деди тўсатдан.

— Қайси, ҳалиги пермирими?

— Ҳа, ўша. Мавлон Ҳожиёв деса Паркентда ҳамма танийди.

Яхши йигит, йўқ демайди. Ана, Номданада палон миллион сўмга мактаб солиб берди, ишчиларининг болаларини институтларда ўқитаяпти.

Қари-қарангларга хайр-эхсон қилиб турибди. Тортинмай бориб.

— Қандай бўларкан, — иккиланди Фотима хола, — билмаган, танимаган одам...

— Қандай бўлади, мана кўрасиз! — деди Фа-

киролмади. Уни орият, андиша ўртар эди.

Бир вақт Мавлоннинг ўзи чиқиб қолди.

— Хола, мени кутиб ўтирибсиз, шекилли, —



(бадиға)

деб хонасига бошлади. Бир пиёла чой берди. Худди эски танишлардек чиройини очиб жилмайиб боқди.

— Қандай ишингиз бўлса айтаверинг, хола, қўлимдан келса ёрдам қиламан.

Алломишнинг энаси

Мастон холанинг уйи бузилди. Дўпдидек бўлса-да, шаҳар марказида ҳовлиси бор эди. Қирқ йиллик кўшиқлари билан диллашиб, тўртта товуғию Халил чолига қараб умр кечириб юрган эди. Бир куни маҳалланинг каттаси кириб айтди: бу ердан йўл ўтармиш. Шунга йигирма чоғли хонадон бузилармиш. Чолу кампир не дерди? Кўпга келган тўй, бевадан, кўчада қолмасмиз, дейишди.

Хаш-паш дегунча кампирнинг келинлигига гувоҳ ҳовли теп-текис бўлди. Чол-кампирга икки хоналик чиройли уй беришди. Мастон хола қишда кўмир, ёзда ўтин ёқиб оқват пиширишдан, ҳовли супуриб, қор қурашдан кутулдию... Бироқ би-

рор ойдан кейин зерика бошлади. Бу «дом» деганида одам бекорчиликдан сиқилиб кетар экан. Кампир ўйлаб-ўйлаб, бозорга чиқмоқчи бўлди. Чоли эски ҳовлиси бузилганда метр келадиган арматурани қўлига олиб. Бу холага наъша қилди:

— Яхшилаб кара, болам. Бу сиз эмас, темир таёқча. Арматур дейди. Уқловдай келадиган темирини сиз дейсан-а, болам?

— Биз учун сим-да бу, эна, — деди қулиб полвон йигит. У битта арматурани зуваладай қилиб эгиб ўйнай бошлади. Кампир норози бўлди.

— Бизнинг кампиримиз ёйма бозорга кираверишда керилиб ўтирибди. Олдадаги сувқозга буюмларини ёйиб қўйган. Улар орасида бир-бир ярим

қулоч келадиган арматурага бор.

Шу пайт Мастон холанинг олдига бир полвон йигит келди.

— Хола, мана бу сизнингизга қанча сўрайсиз? — деди бир метр келадиган арматурани қўлига олиб. Бу холага наъша қилди:

— Яхшилаб кара, болам. Бу сиз эмас, темир таёқча. Арматур дейди. Уқловдай келадиган темирини сиз дейсан-а, болам?

— Биз учун сим-да бу, эна, — деди қулиб полвон йигит. У битта арматурани зуваладай қилиб эгиб ўйнай бошлади. Кампир норози бўлди.

— Кўрдик, билагингда кучинг бор экан, — деди хола, — аммо бу савилни оладиган бўлсанг майштирагинда, болам. Олмасанг, молимни бузиб нима қиласан?

Кампир йигитнинг кўлидан темир таёқчани олди, энгил ҳаракат билан уни тўғрилади ва олдидаги сувқозга ташлади. Бунни кўриб, полвоннинг кўзи чиқиб кетди.

— Ие, момой, сиз Алломишнинг энаси экансиз, тавба қилдик, — деди. Йигит ҳамма темир-терсақни йиғиштириб олди, кампирнинг айтганидан икки хисса кўп пул тўладию жўнаб қолди.



Саҳифани ёзувчи Саъдулла СИЕВ тайёрлади.

Халқ донишмандлиги бисотидан

Душманга чоҳ қазингча дўстингга уй солиб бер. Дон тўплаган донодир. Сийлагани тилинг бўлмаса сийпагани қўлинг йўқми. Бахш авлиё, авлиё бахш бўлмас. Умид ўрга, умидсизлик ўрга тартади. Талашган ерда тариқ битмас. Хар ким чироқ ёқса ёруғи ўзига тушар. Туя ҳам яхши сўзга чўқар. Айбини билган-авлиё. Чўпки кўрсанг — Ҳизр бил. Тоза кўзанинг суви ҳам тоза бўлади.

Халқ сўзи

Народное слово

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббасхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қозғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Топшкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орипов.

Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.

Навбатчи — З. Жонбеков.

Мусаввир — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни 22.40

Топширилди — 22.50

1 2 3 4 5